

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 15 январь • сешанба № 3 (843)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.minjust.gov.uz

Бандлик

## Коллеждан катта ҳаётга

Ўтган йили 4253 нафар битирувчининг бандлиги таъминланган



КАСБ-ХУНАР коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 сентябрдаги 07-6-3-сонли топширигига мувофиқ Адлия вазирлигига ҳуқуқшуносликка ихтисослашган Нукус, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳридаги юридик коллежлар ҳамда ҳуқуқшунослик йўналиши мавжуд Бухоро касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш вазифаси юқлатилган.

Шунга қўра, мазкур коллежлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва бу ўқув муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида 2011 йилнинг 24 октябрида тақдирот бўлиб, Адлия вазирлиги билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Мазкур коллежлар билан адлия бошқармалари ўртасида ҳам алоҳида чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога қaratилган.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари махсус фан ўқитувчиларининг ҳуқуқ-тартибот идораларида стажировка ўташларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан ўзаро

ҳамкорликда қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Режага мувофиқ, битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида, уларни ҳуқуқ-тартибот ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Коллеж битирувчиларининг маҳаллий ҳокимият органлари ва жойлардаги касб-ҳунар коллежлари бошқармалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ишга жойлаштириш бўйича уларнинг ягона базаси шакллантирилди.

Маълумотларга қўра, 2011-2012 ўқув йилида Адлия вазирлигига бириктирилган касб-ҳунар коллежларини жами 4.886 нафар, шундан Тошкент юридик коллежини 1.469 нафар, 2-Тошкент юридик коллежини 486 нафар, Самарқандда 692 нафар, Наманганда 853 нафар, Фарғонада 609 нафар, Бухорода 385 нафар, Жиззахда 392 нафар ўқувчи тамомлаган.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида олиб борилган сайё-ҳаракатлар натижасида 4253 нафар битирувчининг бандлиги таъминланган.

Ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун Тошкент давлат юридик институтини профес-

сор-ўқитувчилари томонидан 13 номдаги ҳуқуқий адабиётлар тайёрланиб, чоп этиш масаласини ҳал қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборилди. Ҳозирда мазкур адабиётлар "Илм Зие", "Ворис" ва "Давр" нашриётларида нашр этилди.

Тошкент давлат юридик институтининг "Малака ошириш" факультетида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими "Ҳуқуқшунослик" фани ўқитувчилари ва "Ходимлар бўлими назоратлари"нинг малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Шу асосда 2012 йил давомида тизимда фаолият кўрсатувчи 325 нафар ходимлар бўлими назоратлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари 155 нафар ўқитувчининг малакасини ошириш таъминланган.

Бундан ташқари, Тошкент юридик коллежи, 2-Тошкент юридик коллежи ва Тошкент давлат юридик институтини қошидаги академик лицей ўқитувчиларининг малакасини ошириш, мактаб-коллеж ва лицей-ойлий таълим муассасаларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш, таълимнинг узвийлиги ва улзуксизлигини таъминлаш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятлари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, улар томонидан фанларни ўқитиш бўйича "мастер-класс"лар, семинар тренинглар ташкил этиш мақсадида 2015 йилгача мўлжалланган қўшма иш режаси тасдиқланган.

Ҳозирда коллеж, битирув амалиётини ташкил этишга масъул идоралар, иш бериучи корхона, ташкилот ва муассаса ҳамда ота-оналар ўртасида шартномалар тузиш бўйича идораларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Жорий ўқув йилида вазирликка бириктирилган касб-ҳунар коллежларини жами 4331 нафар ўқувчи тамомлайди.

**Лолахон КАРИМОВА,**  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

## Ҳуқуқий адабиётлар

СИФОТИ ВА СЎЛМОҒИ  
ЯНОДА ОШОДИ

ЯҚИНДА Тошкент давлат юридик институтини қошидаги академик лицейда "Ҳуқуқшунослик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари учун яратилган ўқув-услубий адабиётлар" мавзусида тақдирот ўтказилди.

Унда Адлия вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент давлат юридик институтини профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги касб-ҳунар коллежи масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир Тошкент давлат юридик институтини томонидан ҳуқуқшунослик йўналишидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун яратилган 13 номдаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-

таълимнинг интерактив ва илгор, замонавий усуллари билан кенг фойдаланиш мақсадида 2012 йилнинг 23 ноябрь кунин Тошкент давлат юридик институтини Тошкент Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва ҲАМЖИАТ ФАВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ" мавзусида илмий-амалий видеосеминар ўтказилиб, олий таълим муассасаларида ташкил этилган студияларда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини олиб бораётган мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий таълим муассасаларининг 15 минг нафар профессор-ўқитувчилари ўқитилди.

Жорий ўқув йилида вазирликка бириктирилган касб-ҳунар коллежларини жами 4331 нафар ўқувчи тамомлайди.

Ҳозирда коллеж, битирув амалиётини ташкил этишга масъул идоралар, иш бериучи корхона, ташкилот ва муассаса ҳамда ота-оналар ўртасида шартномалар тузиш бўйича идораларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Жорий ўқув йилида вазирликка бириктирилган касб-ҳунар коллежларини жами 4331 нафар ўқувчи тамомлайди.

**Зиёдулла ХИДИРОВ,**  
Тошкент давлат  
юридик институтини  
бўлим бошлиғи



услубий қўлланмалар тақдиротига, шунингдек, бошқа юридик адабиётларни нашр этиш режаларини ишлаб чиқиш ва нашр этилишини ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Тадбирда мамлакатимизда юридик адабиётларни нашр этиш, тарқатиш билан боғлиқ жараёнларни янада ривожлантириш ва янада самаралроқ кечилишини таъминлаш мақсадида 2013 йилда чоп этишга мўлжалланган юридик адабиётларнинг нашр режасини тасдиқлашга келишиб олинди.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институтини томонидан ҳуқуқий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди.

## Бағрикенглик ифодаси Адолат қасри

Ушбу буюк кошонанинг бор бўй-басти истиклол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини тўқдан ислоҳ қилиш ва кечиримлиликка асосланган ҳаётбахш тамойилларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ жараёнларда янада яққол намоеён бўлаётти.

МАМЛАКАТИМИЗ аҳли Конституциямиз қабул қилинганлигининг тарихий 20 йиллиги байрами арафасида инсоний бағрикенгликнинг яна бир унутилмас ифодасига гувоҳ бўлдик. Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиллари 2012 йилида таъин қилинганлиги билан амнистия тўғрисида"ги қарори юртимиздаги кечиримлилик

тамойилини янада ёрқин намойиш этиди. Мамлакатимиз Президентини тавсиясига биноан қабул қилинган инсонпарварлик акти талабларини бажариш лоялиги ишларига ихтисослаштирилган судларнинг аниқ кундаги асосий ва долзарб юмушига айланган, десак хато бўлмайди. Бу борада қайноқ ҳуқуқий жараён бошқа жойлардагидек Хоразм вилоятида ҳам изчил

давом этмоқда. Амнистия акти эълон қилингандан буён ўтган вақт мобайнида вилоят судлари томонидан жами 610 нафар шахс (430 та жиноят иши)га нисбатан амнистия актининг амалдаги мақсадларини қўриб чиқилди. Қарорнинг 1-банди "а" қисми 30 нафар (аёллар), "в" қисми банди 7 нафар, 2-банди 108 нафар, 3-банди 4 нафар, 6-банди 415 нафар, 7-банди 46 нафар шахсга нисбатан та-

биқ этилди. Амнистия акти қўлланганларнинг 125 нафарини аёллар, 36 нафарини вояга етмаганлар, 36 нафарини ёши 60 дан ошганлар, 4 нафарини ногиронлар ташкил этади. Амалдаги ишлар бу жараён вилоятда кун сайин кучайиб, авж паллага чиқаётганидан далolat беради.

Шовотлик Азамат Матқубов Конституциямизнинг 20 йиллиги муносабати билан эълон қилинган бағрикенглик намунасида бахраман д бўлган мақомларнинг бири. 2012 йил 2 октябр кунин эхтирсизлик оқибатида ўзи содир қилган транспорт ҳодисаси (ушбу қилмиш "Жиноят кодекси"нинг 266-моддаси 2-қисми бўйича малакаланган) боис 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бу фуқаро Олий Мажлис Сенатининг "Амнистия тўғрисида"ги қарори 2-бандига асосан жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция ҳай'атининг ажримига мувофиқ 19 декабрь кунин суд залидан озодликка чиқарилди. — Жиноий қилмишимдан

чўқур афсусдаман, аммо шўқроналигим ва миннатдорчилигимнинг чеки йўқ, — деди у озодликка чиққан чоғ, қалби тўқинланиб, — энди-ги ниятим қилган айбимни ўзим ишлаб қолган "Дилшод" гишт заводидида ҳалол меҳнат қилиб, қадрдон оилам ва ҳамқишлоқларим олдидида фарзу қарзларимни охиригача адо этиш орқали ювиш, жабрдийдалар дардини имкон қадар енгилаштириш, давлатимиз ва Юрбошимиз бағрикенглигига муносиб жавоб қайтаришдан иборат.

Мазкур суднинг шу кунгича яна бир ажримига қўра, ўз томоққасида фаҳмига етмаган ҳолда оғу моддасига бой "қандир" ўсимлигини етиштиргани учун Жиноят кодексининг 270 ва 276-моддалари бўйича айбланиб, 3 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган ҳазораспик Искандар Султонов ҳам амнистия актининг 2-бандига биноан ўз оиласи бағрига қайтди. — Ножўя ҳаракатим ва унинг бирмунча оғир оқибати

2012 йилнинг 17 сентябрида қилмишим тегишли органлар томонидан фош этилгани ва суднинг 28 ноябрдаги ҳужумига қўра озодликдан маҳрум этилганимдан сўнгу тўла англаб етдим, — деди у ўша кунги ажримга мувофиқ суд залидан озодликка чиқарилагач. — Ҳибсда оз муддат ўтирдим, аммо кўп нарсани англадим. Ҳаётнинг тўғри ва равон йўллари билан юриган инсон элда ҳаммиша азиз экани, биз каби адашган кимсалар эса назардан қолишини кеч бўлса-да, тушуниб етдим. Энди билсам, инсон фақатгина яхши сўз ва яхши амаллар учун яратилган экан. Буни шу пайтгача тўла фаҳмлаб етмаганимдан афсусдаман.

Қонуларимизда ифодасини топган адолат ва бағрикенглик тамойили ўзга бир фуқаронинг соғлиғига очикдан очик таъовуз қилиб, уни жиддий шикастланган питнаклик Дониёр Қурбоновага нисбатан ҳам қўлланилди.

—



Томчида  
турмуш тарзи

## Ўзбекистон ФИФАнинг нуфузли соврини билан тақдирланди



ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФАнинг мавсум якунларига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон футбол федерациясига "Fair Play" (ҳалол ўйин) соврини топширилди. Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон мазкур муқофотга қўлағида футболни ривожлантириш борасида амалга ошираётган сайё-ҳаракатлари туфайли муносиб кўрилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ушбу номинацияга Ўзбекистондан ташқари, Гватемала футбол федерацияси ва Туркиянинг "Эскишеҳирспор" клуби ҳам даъвогарлик қилганди.

## Ҳайдовчи Ҷунтманг. Қондабузарлар орасида сиз ҳам бўлишингиз мумкин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг маълумотларига қўра, 2012 йилнинг 11 ойи давомида жами 3 миллион 328 минг 184 та йўл ҳаракати қондабузарлиги содир этилган. Жумладан, 1 миллион 285 минг 338 та қўпол қондабузарлик рўй берган. 43204 нафар ҳайдовчи маст ҳолда автомобиль бошқарган, 39321 нафари телефондан фойдаланиш қоидасини бузган, 992382 нафари эса хавфсизлик камиридан фойдаланмаган.

Ҳурматли ҳайдовчи, қондабузарлар орасида сиз ҳам бўлишингиз мумкин. Агар сиз ўтган йили йўл қоидасини бузган бўлсангиз, албатта...

## "Қаптив"дан топилаётган олтин қўймаси



— ОТА ўғил Анвар ва Лаиз Қодиров ўз уйларида олтин қўнунига қайта ишлов бериб, уни қўйма ҳолатга келтирадиган яширин цех ташкил этганликлари, бу фаолиятга бошқарларни ҳам жалб қилаётганликлари маълум бўлди. Уларга тегишли "Қаптив" автомашинасидан топилаётган умумий оғирлиги 94,5 грамм, давлат нархи 9 миллион 271 минг сўм бўлган қўлбола усулда тайёрланган олтин қўймаларини Анвар Қодиров сотиш мақсадида олиб юрганини ҳам яшириб ўтирмади. — деб ёзда Бухоро вилояти прокуратураси терговчиси Жалол Бобоев ҳамда СВОЖДЛҚК Департаменти Шофиркон тумани бўлими бошлиғи Учун Разақов "Ҳуқуқ" газетасига ёзган мақоласида.

## "Бешинчи фасл" туғади

— "ОБУНА" мавсуми газета ва журналда фаолият кўрсатаётган журналистига учун "5-фасл" деган сўзни ёзувчи Хуриш Дўстмухаммад кўп такрорлайди. Дарҳақиқат, ана шу "фасл"нинг қандай якунлигини тахририятнинг йил давомидаги молиявий аҳолини белгилаб беради. Ҳаливи сувдан кўтарилган, тахрират билан муассис ҳамкорлиги ҳам маълум бўлиб қолади. Улоқ қўлни қўлга берганларга насиб этади.

"Отаҳон" газеталаримиз "Халқ сўзи" — 130879, "Ўзбекистон овози" — 19605, ҳамкасбларимиз нашри "Хурият" — 7000, "Инсон ва қонун" газетаси эса... Дарвоқе, сиз аниқ дам газетамизни ўқиб турибсиз. Обумизнинг кўтарилишига шахсан ташаббус кўрсатганингиз учун Сиздан миннатдоримиз. Қанча нусхада чоп этилаётганини, қўлингиздаги газетанинг 4-саноҳасидан билиб оласиз.

## Қиз болалар кўп туғилмоқда

НЕГА? Бу саволга дунёнинг манаман деган мутахассислари ҳам жавоб беришмайди. Халқимизда ҳаётнинг аччиқ-чўчунгани кўрган кексаларини ўғилни, қизми фарқи йўқ. Фарзандсизликдан яратганининг ўзи арасини дейди. — 2012 йил туғуруқонамизда 4950 нафар бола дунёга келди, — дейди ҳамкасбимизга берган интервьюсида Тошкент шаҳар 8-сонли туғуруқона мажмуаси бош шифокорининг даволлаш ишлари бўйича ўринбосари Салохитдин Мўминов. — Янги йил арафасида туғилган 11 нафар чақалоқнинг 8 нафари қиз, 3 нафари ўғил бўлди.

Ниятимиз ўғилни, қизми Яратганининг ўзи ҳар бир фарзанднинг бахтини берсин.

## Бошқармада учрашув

— ЯҚИНДА Тошкент шаҳар адлия бошқармасида навбатдаги йилгилик бўлиб ўтди. — дейди ўз муҳбиримиз Гулсумхон Шодиева. — Суҳбат мавзуси нодавлат ва нотижорат ташкилотлар фаолиятига бағишланди. Йилгиликда 60 нафар ННТ раҳбарлари иштирок этиди. Озма-оз мулоқотда адлия бошқармаси мутахассислари йилгиликларни қизқитириган саволларига жавоб берди.

## Сувни тежашнинг янгича усули



ФАН ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари Илбё Раҳматуллаевнинг хабар беришича, Тошкент ириригация ва мелiorация институти олимлари кузги бугудой этиштириш учун шўр ювиш ҳамда тупроқ қатламда сув захирасини ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиди.

Мазкур янгилик сув танқислиги таъсирининг олдини олиш, киш-бахор даврида етарли миқдорда сув тўшлаш ва бунинг ҳисобига сугоришлар сонини камайтириш ёки 800-900 метр куб сувни тежаш имконини беради.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,  
"Инсон ва қонун" мухбири

**ҲОЗИРГИ КУНДА мамлакатимизда юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, янги дастурлар ва ўқув услублари киритилмоқда.**

**ШУЛАРДАН БИРИ, Клиникавий ҳуқуқий таълим** — ўқитишнинг назарий, амалий, тахлили ва ахлоқий вазифаларини бажаришнинг энг қулай воситасидир.

Ўзбекистондаги талабаларнинг юридик клиникаси — бу бевосита ўқитувчи назорати остида талабаларнинг касбий маҳоратларини, билим ва тажрибаларини оширишга хизмат қиладиган амалий таълимнинг янги шакли бўлиб, асосий мақсади кам таъминланган, қария ва ижтимоий ҳимояланган фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш, жорий қонунчиликнинг айрим масалаларини тушунтириш, ҳуқуқий ахборот ва бошқа ҳуқуқий ёрдамни тарқатишдан иборат.

Юридик клиника илк бор Америка Қўшма Штатлари университетларининг юридик факультетларида ўтган асрнинг 20-30 йилларида ташкил қилинган эди.

**Таълим ва тараққиёт**

**Юридик клиника**

**ҳуқуқий таълимнинг назарий ва амалий жараёни**

Маълумки, ҳуқуқшунос-талаба ўқишни тамомлашга, амалий ишга келганда бир ёки икки йил стажер сифатида техник ишларни бажариши ва кўп ҳолда тажрибали устоз ҳам учрашиш кўриниб. Бу эса, ўз навбатида, касбий фаолиятида бир қатор муаммолар туғдиради.

Шу сабабли, юридик ўқув юртимизда ташкил қилинган юридик клиника амалиёти ҳуқуқшунос-талабаларга мутахассислик этикаси, юридик ҳужжатлар билан ишлаш, судларда нўқа сўзлаш, ҳуқуқий оғ, ахлоқ ва бошқа фазилатларга эга бўлиш имкониятларини беради.

ТДЮИ 2000 йил 3 мартдан бошлаб "Юридик клиника" деб номланган дастурни амалга оширишга киришди. Бу дастур юридик клиникани босқичма-босқич ўқув дастурига киритиш, ҳуқуқий маълумот олишга йўналтирилган.

Юридик клиника — нотариот ташкилот бўлиб, ўз олдида даромад олишни мақсад қилмаган ТДЮИ бўлими ҳисобланади.

Юридик клиника ташкил топилганининг асосий мақсадлари:

- кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бегараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- институт талабаларининг амалий тайёргарлигини ва ўқитувчилар педагогик маҳоратини такомиллаштириш;
- ТДЮИ талабалари билим даражасини кўнрайтириш, ўқиш жараёнини амалиёт билан боғловчи доимий ишлаш тизимини жорий қилиш;
- ТДЮИ Юридик клиникасини бошқа клиникалар, адвокатуралар, Ўзбекистон Республикасининг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш;
- талабаларни ўқитиш ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятига оид малакасини такомиллаштириш тажрибасини ўрганиш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш мақсадида маҳаллий ва хорижий давлатлар юридик клиникалари билан ўзаро алоқани амалга ошириш;
- талабаларни ўқитишда назария билан амалиётни мутаносибликда олиб бориш;
- талабада бахарган иши ва унинг натижаси учун жавобгарлик ва масъулият ҳиссини ривожлантиришдан иборат эканлигини айтиб ўтишни истардим.

ТДЮИ юридик клиникасида 30 нафар юқори курс талабалари ва магистрлар фаолият олиб боришади. Талабалар график бўйича ҳафтада бир марта 3,5 соатдан навбатчилик қилишади ва яна бир кунни ишнинг тахлилга бағишляшади. Юридик клиника раҳбарлари ҳуқуқий маслаҳат берилишини бевосита назорат қилиб боради.

Фуқароларга ёрдам қўрайдигани

ҳуқуқ соҳалари бўйича амалга оширилади:

- Фуқаролик ҳуқуқи;
- Уй-жой ҳуқуқи;
- Меҳнат ҳуқуқи;
- Оила ҳуқуқи;
- Маъмурий ҳуқуқ;
- Жиноят ҳуқуқи.

Юридик клиникада бир вақтнинг ўзида бир қанча ҳуқуқ соҳалари бўйича маслаҳат берилишининг ташкил этилганлиги фуқароларнинг кенг қамровли саволларига жавоб беришда ва клиниканинг самарали ишлашини таъминлашда ёрдам беради. Талабаларнинг юридик клиникаси фаолияти адвокатлар коллегияси фаолиятига ўхшаб кетса-да, лекин ундан фарқланади. Маслаҳатчининг вазифасига фуқарони қабул қилиш, рўйхатга олиш, унинг муаммоларини тинглаш, янги иш очиб ва келгуси учрашув кунини белгилаш қабилар қиради. Белгиланган кунда талаба мурожаат қилувчи билан учрашади ва унга ҳуқуқий маслаҳат беради. Талабалар нафақат озғариқ маслаҳат беришади, балки керакли ҳужжатларнинг лойиҳаларини

1) Талабаларни ҳуқуққа оид кўрсатмалар беришга ўргатиш;

2) Талабаларни клиник маълумотларга йўналтириш;

3) Пуллик хизматдан фойдалана олмайдиган фуқароларга ҳуқуқ масалалари бўйича бепул ёрдам кўрсатиб, маслаҳатлар беришдан иборат.

Унинг асосий йўналишлари эса куйидагилардан ташкил топган:

Фуқароларни қабул қилиш ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;

Клиникадаги талабаларнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича профессионал билимларини ошириш мақсадида улар билан махсус, яқна тартибда ва гуруҳ дарсларини ташкиллаштириш ва олиб бориш;

Талабалар хулқ-атворида боғлиқ малакани шакллантирувчи тренинг ва имитацион курсларни ўқув жараёнига жорий этиш;

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва тузиш;

ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва уларни тахлил қилиш ҳамда маълумотлар базасидан ўринли фойдаланиш;

ҳуқуқнинг долзарб масалалари бўйича аҳолига мўлжалланган оммабон нашрлар тайёрлаш ва татбиқ этиш;

давлат ва нодавлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш;

суд органларида, бошқа давлат органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимлаштириш ҳамда тахлил қилиш бўйича иш олиб бориш.

Юридик клиникада компьютер, "ПРАВО" ва "НОРМА" каби ҳуқуқ маълумотлари тизими, ҳуқуқ саволлари бўйича кутубхона, факс, нусхасловчи машина, қабулхона ҳамда маслаҳатхона мавжуд. Шунингдек, талабалар интернетдан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Юридик клиника Офис-менеджери фуқароларни қабул қилган, уларни тинглаб, алоҳида ишлаб чиқилган электрон рўйхат тизимига унинг талабларини киритади.

Клиникада талабаларни ўқитиш куйидагича белгиланган:

- 1) клиницист (ТДЮИ учинчи ва тўртинчи курс талабалари);
- 2) клиницист-ассистенти (иккинчи ёки учинчи курс талабалари).

Ҳар ўқув йилининг бошида Клиникада тахсил олишни истаган ТДЮИ 2,3 ва 4-курс талабалари, Клиника бошқимчи ариза (анкета) топширадилар.

Клиницистлар бир қатор гуруҳларга бўлиниб, интервью, маслаҳатлар беришни, навбатма-навбат амалга оширадилар. Ҳар бир гуруҳ фаолиятини Клиника ҳуқуқшуноси назорат қилади ва ёрдам сўраб мурожаат қилган барча гуруҳ клиницистларига амалий кўмак бериши шарт.

Юридик клиника ҳуқуқ масалалари бўйича Тошкент давлат юридик институтини талабаларининг касбий билиминини янада бойитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва талабаларга институтда олган билимларини мустаҳкамлашга, уларни амалиётда қўллашга, шунингдек, олий ўқув юртлири дастурларига киритилмаган қўшимча билимларни эгаллашларига ақиндан ёрдам беради.

Юридик клиника ҳуқуқнинг ҳалқаро ҳамда миллий андазаларига асосан ижтимоий мавзулар бўйича ўқув-машулот (тренинг)ларини ўтказида. Юридик клиникада тахсил олаётган клиницист-талабалар клиникага мурожаат қилган миқдорларга ёрдам берган ҳолда амалиёт ўтайдилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, ки, ТДЮИ қошидаги Юридик клиника мамлакатимизда юқори малакали, касбий маҳорати юксак, бунунги замон талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган етуқ ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга ўқув масканидир.

**Севархон МАРИПОВА,**  
ТДЮИ қошидаги **Юридик клиника раҳбари**

воллари бир неча соҳага оид бўлади ёки қонун билан тўғридан-тўғри тартибга солинмайди. Бундай ҳолларда талабалар ўқитувчиларнинг махсус касбий билимларидан фойдаланадилар.

Малакали ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқ соҳасидаги ҳаёт тажрибалари ва касбий билимлари талабаларга ўта қалқаш ишда ҳам тўғри ва аниқ йўлни топишда жуда катта ёрдам беради.

Тошкент давлат юридик институтини қошидаги Юридик клиника туман судлари, адвокатлик тузилмалари, ҳуқуқни қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Клиникамига чет эл мутахассислари ҳам, жумладан, Америка юристлар ассоциацияси, Қонунчилик сийсати ва ҳуқуқ институтини (Венгрия), Япония, Франция, Германия каби давлатлар ҳамда турли халқаро нодавлат ташкилот вакиллари ташриф буюришади.

Клиника фаолиятининг асосий мақсади:

- 1) Талабаларни ҳуқуққа оид кўрсатмалар беришга ўргатиш;
- 2) Талабаларни клиник маълумотларга йўналтириш;
- 3) Пуллик хизматдан фойдалана олмайдиган фуқароларга ҳуқуқ масалалари бўйича бепул ёрдам кўрсатиб, маслаҳатлар беришдан иборат.

Унинг асосий йўналишлари эса куйидагилардан ташкил топган:

Фуқароларни қабул қилиш ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;

Клиникадаги талабаларнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича профессионал билимларини ошириш мақсадида улар билан махсус, яқна тартибда ва гуруҳ дарсларини ташкиллаштириш ва олиб бориш;

Талабалар хулқ-атворида боғлиқ малакани шакллантирувчи тренинг ва имитацион курсларни ўқув жараёнига жорий этиш;

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва тузиш;

ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва уларни тахлил қилиш ҳамда маълумотлар базасидан ўринли фойдаланиш;

ҳуқуқнинг долзарб масалалари бўйича аҳолига мўлжалланган оммабон нашрлар тайёрлаш ва татбиқ этиш;

давлат ва нодавлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш;

суд органларида, бошқа давлат органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимлаштириш ҳамда тахлил қилиш бўйича иш олиб бориш.

Юридик клиникада компьютер, "ПРАВО" ва "НОРМА" каби ҳуқуқ маълумотлари тизими, ҳуқуқ саволлари бўйича кутубхона, факс, нусхасловчи машина, қабулхона ҳамда маслаҳатхона мавжуд. Шунингдек, талабалар интернетдан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Юридик клиника Офис-менеджери фуқароларни қабул қилган, уларни тинглаб, алоҳида ишлаб чиқилган электрон рўйхат тизимига унинг талабларини киритади.

Клиникада талабаларни ўқитиш куйидагича белгиланган:

- 1) клиницист (ТДЮИ учинчи ва тўртинчи курс талабалари);
- 2) клиницист-ассистенти (иккинчи ёки учинчи курс талабалари).

Ҳар ўқув йилининг бошида Клиникада тахсил олишни истаган ТДЮИ 2,3 ва 4-курс талабалари, Клиника бошқимчи ариза (анкета) топширадилар.

Клиницистлар бир қатор гуруҳларга бўлиниб, интервью, маслаҳатлар беришни, навбатма-навбат амалга оширадилар. Ҳар бир гуруҳ фаолиятини Клиника ҳуқуқшуноси назорат қилади ва ёрдам сўраб мурожаат қилган барча гуруҳ клиницистларига амалий кўмак бериши шарт.

Юридик клиника ҳуқуқ масалалари бўйича Тошкент давлат юридик институтини талабаларининг касбий билиминини янада бойитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва талабаларга институтда олган билимларини мустаҳкамлашга, уларни амалиётда қўллашга, шунингдек, олий ўқув юртлири дастурларига киритилмаган қўшимча билимларни эгаллашларига ақиндан ёрдам беради.

Юридик клиника ҳуқуқнинг ҳалқаро ҳамда миллий андазаларига асосан ижтимоий мавзулар бўйича ўқув-машулот (тренинг)ларини ўтказида. Юридик клиникада тахсил олаётган клиницист-талабалар клиникага мурожаат қилган миқдорларга ёрдам берган ҳолда амалиёт ўтайдилар.

**Севархон МАРИПОВА,**  
ТДЮИ қошидаги **Юридик клиника раҳбари**

**Ўқув-машулот**

**Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди**

КУНИ КЕЧА юртимизда Ватан ҳимоячилари кунига Ўзбекистон Куролли қучлари ташкил этилганнинг 21 йиллиги кенг нишонланди.

Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машулот ҳам айнан шу санага бағишланди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги ҳарбий академияси ўқитувчиси, полковник Ҳомиджон Дадабоев иштирок этиб, Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш бўйича қилинган ишлар ва бу соҳада амалга оширилган ислохотлар юзасидан атрафишга фикр юртиди.

Кизгин тарзда ўтган мазкур анжуман йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди.

**Адлия вазирлиги  
Ҳуқуқий тарғибот  
ва ҳуқуқий таълим  
бошқармаси**



ЎЗБЕКИСТОН Республикасини ҳимоя қилиш — умумдавлат, умумхалқ иши. Шу боис ҳам ҳар бир фуқародан Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг Куролли Қучлари салоҳиятини ошириш бўйича фаоллик талаб этилади. Ушбу мажбурият Бош қонунимизда ҳам ўз аксини топган.

Президентимизнинг 2012 йил 14 ноябрдаги "Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишида белгиланган вазифалар асосида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Юнусобод тумани ҳокимлиги, ҳамкор ташкилотлар ҳамда ҳарбийлар иштиралиқда Ўзбекистон тарихи

Давлат музейида "Ватани севим, асраш — муқаддас бурч!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбир музейида ўтказилишининг ўзига яраша сабаби бор, зеро, тарихий хотирамиз келажак йўқ. Маънавиятни тиклаш борасидаги кенг қўламли ишлар намойишига айланган мазкур музей эса ҳарбийларимиз учун улкан ажодларимизнинг буюқ қаҳрамонлиқларини ўзида жамлаган тарбиявий маскан саналади.

Сўзга чиққан ҳуқуқшунослар ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза

қилиниши, ўз навбатида, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш Қуролли Қучларимизнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилаётганлигини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Аскарлар мазкур музей тарихи ва ривожланишини ўзида акс эттирган янги экспонатлар ва уни бойитиш борасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишилди.

Таниқли шоирларнинг Ватан ва унинг ҳимоясига шайланган мард ўғлонлар ҳақидаги шеърлари, у асосдаги куй-қўшиқлар тадбирга янада файз киритди.

**Адлия вазирлиги  
Ахборот хизмати**

**Адолат қасри**

**(Давоми.  
Боши биринчи бетда)**

"Воқеа ўтган йилнинг 22 сентябрь тунда содир бўлди, — деди у, ўшанда юз берган жомаро тафсилотларини хотирларкан, — кўшимчи Ф.Юсуповни бошқа бир қўшни хонадонга бемахал "меҳмонга" келгани боис каттик елкаклаб, баданга оғир жараҳат етказдим. Натихада даволанишга мажбур бўлди. Бировга қўл кўтариш оғир гуноҳ, кечирилмас жиноят эканлигини шундагина англадим ва ноҳўй ҳаракати жабрини тортган кўшимдан кечирим сўрадим. Қилмишимдан қаттиқ пшаймонман".

Иккорлик, пшаймонлик ва қилмиш учун кечирим сўралган ҳоллар, албатта, инобатга олинади. Қонунчилигимизнинг бу ибратли тамойили Д.Қурбоновнинг нуномосиб ҳаракати доир жиноят ишини қўриб чиқиш чоғида ҳам ўз ибодатини топди. Биринчи босқич суди Қурбоновни Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисмига асосан ахлоқ тузатиш жазосига ҳужм қилган эди. У ушбу жазодан озод этилди. Вилоят суди раиси ўринбосари Қодирберган Яхшимуродов раислигидаги апелляция ҳайъати Қурбоновга нисбатан амнистия тўғрисидаги қарорнинг эҳтиёсизлик ораксидеа жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳужм қилинган шахс-

ларни жазодан озод этишга қаратилган 2-бандини қўллашни маъқул, деб топди ва у ахлоқ тузатиш ишларидан ҳам озод бўлди. Юртимиз узра кезаётган бағрикенглик ва дарёдиллик тамойили шу тарика яна бир бор тантана қилди.

Бағрикенглик ва кечирилмлилик — эзгуликнинг бир қирраси, энг яхши ва энг ёрқин ифодаси. Одамийликнинг бу ажойиб намунасини бутунги кунда давлатимизнинг ўзи намойиш этаяпти. Бу — қатта давлат ва ибрат кучини қашф этувчи олижаноб сийёсат. Давлат ўз фуқаролари олдидеаги эзгу бурчини шу тарика намунали адо этар экан, бу ўз навбатида одамлар зиммасига ҳам талай фарз ва қарзларни юклайди. Бошқача айтганда, олишнинг бериши бор ва уни ҳеч ким унутмаслиги даркор. Ватан, халқ, жамият ишига нисбатан садақат, фидойилик ва камрабсталик одамларнинг кўрсатилган меҳр-муруватга берадиган энг яхши жавоби, амалий ишлари намунаси бўлмоғи зарур.

Амнистия шахси жазодан озод этишнинг ўзинигина кўзда тутмайди. Унинг талабига мувофиқ жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўйбга чиқариш учун ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларидан иборат ҳудудий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилади. Бундан ташқари, эълон қилинган амнистия ак-

тини ҳар бир маҳкумга нисбатан алоҳида ва ҳолисона қўллаш ҳамда қонунбузилишларнинг олдини олиш устидан назоратни амалга ошириш мақсадида мамлакатнинг тегишли идоралари вакилларидан иборат тезкор гуруҳлар тузилди. Сенаторлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, оғмобудман институти вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари жойларда қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомиллари доирасида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралиқни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширадилар.

Буюқ Амир Темури бобомиз айтганидек: "Адолат девонидан паноҳ топганларни гуноҳи бўлса ҳам кечирсинлар, иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у холда гуноҳига яраша жазолансин". Давлатимиз ва унинг йўлбошчиси узоқ асрлар қаёрида шаклланган ва бутун халқимиз хоҳиширолдасига ҳамохан бўлган яна шу қимматли ақлдага амал қилаяпти. Имомимиз қомил: юртимизда қимми бу ақидани дилдан аंगлар ва ундан ҳосил бўлгучи амалларга қўл берар экан, ҳеч шубҳасиз қонун паноҳи, эл-юрт ардоғида яшайди ва қимми унга шак келтирар экан, ўз гуноҳининг ақрини тортади. Бирок, ҳар қандай ҳолатда ҳам гуноҳ-жиноятни эҳтиёсизлик ораксидеа, ўзи хоҳламаган вазиятда содир этиб, қилмишига иккорлик билдирганлар, тузалши йўлига қатъий кирганлар, қилмишининг ижтимоий ҳавфи унчалик катта ва оғир бўлмаганлар муруватга рўбарў келадилар. Бизнингча, бу бағрикенгликнинг ажойиб ва олижаноб намунаси.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат қўрсатган журналист

**Тизим тадбирлари**

**ННТнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

